Қиёмат куни мўминнинг амал тарозисида гўзал хулқдан кўра оғирроқ нарса бўлмайди. Албатта, Аллоҳ фаҳш ва чиркин сўз айтувчини ёмон кўрур», – дедилар

Абу Дардо разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Қиёмат куни мўминнинг амал тарозисида гўзал хулқдан кўра оғирроқ нарса бўлмайди. Албатта, Аллоҳ фаҳш ва чиркин сўз айтувчини ёмон кўрур», – дедилар.

[Саҳиҳ] [Абу Довуд ва Тирмизий ривояти]

Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам мўминнинг тарозисидаги сўзлари ва амаллари ичидаги энг оғири чиройли хулқ эканини хабар бердилар. Чиройли хулқ табассум қилиш, азият бермаслик, кўп яхшилик қилиш билан бўлади. Аллоҳ таоло жирканч сўз ва амалларни қилувчиларни ёмон кўради.

http://sunnah.global/hadeeth/uz/show/5371